

РЕНЕСАНС ДАВРИ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСИННИГ ЕВРОПАДА ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Журақулова Фарангиз

Низомий номидаги ТДПУ тарих факультети
4-босқич талабаси

Исматуллаев Ф.О.

илмий раҳбар: т.ф.н.дотс.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ренесанс даври алломалари илмий меросининг Европада ўрганилиш жихатлари қисқачатарзда ёритиб берилган. Шу билан биргаликда ҳорижда юртимиз тарихи ва маданияти билан шуғулланиб келаётган кўплаб олимларнинг тадқиқотлари ҳақида ҳам сўз юритилган

Калит сўзлар: Ренесанс, маданият, мутафаккирлар, асарлар, санъат, илмий мероси, тиббиёт, Мусо Хоразмий, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Имом Мотрудий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек.

Марказий Осиё халқларининг тарихи, маданияти ва тилини ўрганишга қизиқиш Европа халқларида анча асрлар аввал пайдо бўлган. Бунга мисол қилиб, XVII асрда шаклланган¹, Француз ихтисослашган шарқшунослик мактабини кўрсатиш мумкин. Ҳозирда ҳам бундай илмий-тадқиқот марказлари фаолият кўрсатиб, халқимиз тарихи ва унинг жаҳон маданиятига қўшган муносиб ҳиссаси атрофлича ўрганилмоқда.

Ғарб маданиятидан бир неча аср аввал пайдо бўлган, таъкидлаш лозим бўлса, Ғарб уйғониш даври мутафаккирлари ибрат олган, ўрганган, кўҳна Шарқ маданияти ўзида жуда катта илмий-адабий меросни жамлаган бўлиб, бу эса янгидан - янги илмий тадқиқотларга манба бўлиб хизмат қилмоқда ва бу борада умидли истиқбол йўллари очилмоқда.

Бу даврда Шарқ уйғониш даврининг таниқли намоёндалари: Мусо Хоразмий, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Абу Наср Форобий, Аҳмад

¹ Давронова З. Мозийга туташ томирлар // Мулокот. 2002. №5. – Б.42.

Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Имом Мотрудий, Алишер Навоий, Мирзо Улугбеклар яшаб, ижод қилди¹.

IX-XII асрларда Ўрта Осиёда яшаб ижод этган буюк алломаларимиздан Мусо Ал-Хоразмий (783-850 йиллар)нинг “Ҳинд ҳисоби ҳақида”, “Яхудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола” асарлари, “Шарқ Аристотели” номи билан машҳур Абу Наср Форобий (873-950 йиллар)нинг “Арастунияг “Метафизика” асарига шарҳ”и ҳамда ҳозирга қадар дунёning кўплаб сиёsatчилари учун ноёб қўлланма бўлиб келаётган “Фозил одамлар шаҳри” сингари асарлар бунга яққол мисол бўла олади. Шунингдек, ҳозирда ҳам ҳинд ҳалқи миннатдорлик билан қайд этганидай, “бизнинг кўҳна ҳинд тарихини Абу Райҳон Беруний (973-1048 йиллар) ўзининг “Ҳинди斯顿” асарини ёзид бериш орқали, бизга етказди”, - дея эътироф этишининг ўзи ҳам бизга юксак ғуур багишлайди².

Ушбу мутафаккирларнинг асарлари ўз даврида ёқ Европа тилларига таржима қилиниб, олий ўкув юртларида дарслик, қўлланама сифатида узок вақт фойдаланиб келинди. Улар ўзларининг сермаҳсул ижодлари билан Ўрта Осиё довругини бутун дунёга ёйдилар ва шу орқали жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшиб, Ўрта Осиё ренессансининг юзага келишида салмоқли ўринни эгалладилар. Минтақада барқ урган бундай тарихий жараён кейинчалик Европада XIV-XVII асрларда шаклланган Ғарб ренессансига муҳим замин бўлиб хизмат қилди.

Шу билан бирга Европада Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи, маданияти ва жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини ўрганиш ўрта асрлар даврида ёқ бошланган. Айниқса, бу масалада Испания қироллги элчиси бўлган Руи Гонзалес де Клавихонинг хизматлари каттадир. Руи Гонзалес де Клавихо ўзининг элчилиги даврда кўрган ва танишган ҳамда ўқиган манбаларига таяниб, “Буюк Темур тарихи”, “Темур қароргоҳи”, “Самарқандга саёҳат кундалиги” номли китобларни ёзди ва нашр қилдирди. Демак, Европа ҳалқлари XVI асрда ёқ Амир Темур ва темурийлар давлати ҳамда унинг довруғи ҳақида маълум даражада маълумотларга эга бўлишган. Темурийлар даври ва умуман Шарқ ўрта асрлар даври тарихи ҳамма даврларда ҳам ғарб тарихчиларини диққат марказида турган, десак муболага бўлмайди. Айниқса XX асрда ҳам Европалик олимлар томонидан кўплаб тадиқиқотлар амалга оширилганлигини қўришимиз мумкин.

¹ Шамсуддинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. К.1. – Тошкент.: “Шарқ”, 2010. – Б. 223 – 278.

² Мухаммаджонов А. Ўзбекистонтарихи. Дарслик. Шарқ нашриёт – матбаа акциянерлик компанияси. Тошкент. 2009. –Б.71-77.

Бунда айниқса Францияда 1988 йилда ташкил этилган “Темурийлар уюшмаси” томонидан амалга оширилган илмий изланишлар таҳсинга сазовордир. Уюшма асосан Темурийлар даври санъати ва тарихини илмий ўрганиш ва тарғиб этиш фаолиятини юритмоқда.

1996 йил сентябрда “Франция – Ўзбекистон” жамияти ва Ўрта Осиёни ўрганиш фанлар институти томонидан “Темур мероси ва унинг жаҳонга ёйилиши” Дехлидан Истамбулгача ва бошқа мавзуларда коллоквиум ўтказди. Ўтган коллоквиумда 10 дан ортиқ мамалакат олимлари иштирок этдилар. Унда Темур фаолиятига боҳо берилар экан, унинг нафақат жаҳон ислом маданияти ривожланишига балки Темур даври маданиятини яратилишида тутган ўрни таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари 2004 йилдан жаҳон тиббиётига муносиб ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик аллома Абу Али ибн Сино илмий меросини ўрганиш ва унинг тарғиботи билан шуғулланадиган “Авиценна-Франция” ассоциацияси фолият олиб бормоқда¹. Буларнинг барчаси Францияда Марказий Осиё тарихига қизиқишилари нақадар улканлигидан далолатdir.

Темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганиш француз ассоциацияси бош котиби Фредерик Брессан хоним 1997 йилда ўзининг “Самарқанднинг мовий олтини” деб номланган ажойиб суратлар билан безатилган альбомининг кенг жамоатчиликка хавола этган. Нашр тақдимотида олима “дунёда иккита нурафшон ва оламга машхур бўлса буларнинг бири – Париж, иккинчиси – Самарқанд” деган эди. 2003 йилда унинг “Махобатли Самарқанд” деб номланган китоби иккинчи марта босмадан чиқди.

Тошкентда 2002 йил 24 май куни Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар йўналишидаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари ёш тадқиқотчиларининг француз тарихчиси Франсуа Эно билан учрашуви бўлиб ўтди². Фанлар академияси Тарих институти, Ёш олимлар миллий жамияти ҳамда Марказий Осиёни ўрганиш Франция илмий-тадқиқот институти (IFEAC) ташаббуси билан ташкил этилган мазкур учрашув Парижда чоп этилган уч жилдлик “Ўрта асрларда (Х-XV) мусулмон олами” китобининг тақдимотига биғишлианди. Франсуа Эно йиғилганларга ушбу китоб ҳақида маълумот берар экан, унда X-XV асрларда мусулмон дунёсининг давлатчилик асослари ва ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўзига хос ривожланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

¹ Ўзбекистон – Франция: Ҳамкорликнинг стратегик истиқболлари // Халқ сўзи. 2018. 11 октябрь.

² Француз олими билан учрашув. // Ўзбекистон овози. 2002. 25 май.

Анча йиллардан буён илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган Франсуа Эно айни пайтда Хоразмнинг XVIII-XIX асрлардаги ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганиш билан шуғулланмоқда.

Хукуматимиз ҳорижда юртимиз тарихи ва маданияти билан шуғулланиб келаётган қўплаб олим ва адбиётчиларни давлатимизнинг нуфузли мукофотлари билан тақдирлаб келмоқда. Унинг мантиқий давомини 2018 йил 9 октябрда Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишга муносиб ҳисса қўшган Франциянинг таниқли адабиёт ва илм-фан намоёндалари – ёзувчи Амин Маалуф, олимлар Фредерик Бопертюи - Брессанд хоним ва Франц Гренеларга Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси унвонини топширилганлигига кўриш мумкин¹.

Улардан бири Амин Маалуф ўзининг “Самарқанд” романи билан ўзбек китобхонларига яхши таниш бўлиб, унинг романи ўзбек тилида 2003 йил “Жаҳон адабиёти” журналининг 6-7, 2005 йилнинг 7-8 сонларида чоп этилган. Романда шоир ва файласуф Умар Хайёмнинг Самарқанддаги ҳаёти, XI асрдаги ижтимоий – сиёсий ҳаёт талқини акс этган². Бу албатта бир томондан Францияда Шарқ тарихга қизиқиш жуда катта эканлигидан далолат берса, иккинчидан уларнинг Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан рағбатлантирилиши ҳориж олимларини янада катта қизиқиш билан ватанимиз тарихи ва маданиятини ўрганишга ҳамда ҳалқаро ҳамжамиятга янада кенгроқ тарғиб этишда катта туртки бўлиши, шубҳасиз.

Ўрта аср Шарқ алломалари илмий мероси ва фаолиятига эътибор Болтиқбўйи давлатларида ҳам кучайиб бормоқда. Бунинг исботини Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил Латвияга ташрифи асносида Риганинг энг сўлим гўшаларидан бири – Кронвольда боғида буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкали очилганлигига кўришимиз мумкин. Латвия заминида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали, 2006 йилнинг ноябрида эса Шарқда “Шайх ур-раис”, Европада “Авиценна” номлари билан машҳур бўлган мутафаккир бу Али Ибн Сино хотираси учун ўрнатилган ёдгорлик ҳалқлар, мамлакатлар ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг ёрқин тимсолидир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўрта аср Шарқ алломалари илмий мероси – бу бутун инсоният камолоти учун хизмат қилмоқда. Улардан қолган маданий мерос ва илмий асарлар ҳали кўп асрлар давомида жаҳондаги ҳалқларни маънавияти ва маърифатини юксалтиришда давом этаверади.

¹ Ўзбекистон – Франция: узок муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида // Халқ сўзи. 2018. 10 октябрь.

² Самарқандга ўзгача меҳр кўйган француз ёзучиси // Халқ сўзи. 2018. 11 октябрь.

Уларнинг асарларини тадқиқ этиш янги-янги илм-маърифат уфқларни очиш имкониятини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

- 1.Мухаммаджонов А. Ўзбекистонтариҳи. Дарслик. Шарқ нашриёт – матбаа акциянерлик компанияси. Тошкент. 2009.
- 2.Шамсаддинов Р., Каримов Ш. Ватан тарихи. К.1. – Тошкент.: “Шарқ”, 2010..
- 3.Ўзбекистон – Франция: Ҳамкорликнинг стратегик истиқболлари // Халқ сўзи. 2018. 11 октябрь.
- 4.Француз олими билан учрашув. // Ўзбекистон овози. 2002. 25 май.
- 5.Давронова З. Мозийга туташ томирлар // Мулоқот. 2002. №5. – Б.42.
- 6.Ўзбекистон – Франция: узоқ муддатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида // Халқ сўзи. 2018. 10 октябрь.
- 7.Самарқандга ўзгача меҳр қўйган француз ёзучиси // Халқ сўзи. 2018. 11 октябрь.

11